

(?-1918-йиллар)

(1910-1918)

Хива хони. Кўнгиротлардан. 1910-йил отаси Муҳаммад Раҳимхон ИИ вафотидан сўнг рус подшо ҳукуматининг ёрдами билан тахтга чиқди. 1910, 1914-йилларда Петербургда бўлди. Асфандиёрхон даврида маърифатпарвар вазир Ислохўжа ташаббуси билан Вхива ва бошқа шаҳарларда почта-телеграф, касалхона, икки мадраса ва янги типдаги мактаблар, ҳатто рус мактаблари қурилди. Асфандиёрхон Ислохўжани ҳазинадаги маблағни беҳуда совуришда айблаб катл этди (1913-йил), бутун ерларни қайта ўлчатиб, меҳнаткаш халққа оғир солиқлар солди. Унинг зулмига қарши 1915-йил Мангитда, 1916-йил январда Хўжайлида халқ чиқиқшлари бўлиб ўтди. 1905-1907-йилларда ташкил топган “Ёш хивалиқлар” ташкилоти 1917-йил феврал инқилобидан сўнг ошқора иш бошлади. Бу ташкилот 1917-йил 5-апрелда хонни буржуа ислохоти ўтказиш ҳақидаги манифестга қўл қўйишга мажбур этд.

Шу тариқа хон бошлик конституцион монархия тузилди. Давлатни идора этувчи “Идораи машварат” ташкил топди. Лекин ислохот меҳнаткашлар аҳолини яхшиламади.

Асфандиёрхон кўп ўтмай “Идораи машварат”ни тарқатиб, яна мустабид ҳокимият ўрнатди. Асфандиёрхон 1918-йил 22-январда юқори мартабали амалдорлар ва дин ахллари иштирокида давлатни бирга бошқариш ҳамда болшевикларга қарши қурашиш учун Жунаидхон билан Хивада музокара олиб борди. Натижада Асфандиёрхон Жунаидхонни кўшин бошлиги (сардори қарим) этиб тайинланиб, ҳокимиятни унга топширди. Орадан кўп ўтмай, Жунаидхон ҳокимиятни бутунлай қўлга олиш учун Асфандиёрхонни яширин равишда ўлдиртирди. Жунаидхон тахтга ўз таъсиридаги Сайид Абдуллахонни ўтказди.